

- 1 -

Вақтимиз шунчалик тезкорки, баъзан бундан атиги етти-саккиз йил муқаддамги воқеалик дарҳол кўз олдимизга келавермайди. Президентимиз Ислам Каримов бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида жуда таъсирчан фикрларни билдирдилар.

Ҳақиқатан ҳам атиги ўн йил илгари Ўзбекистон деганда одамларнинг тасавурида нима жонланар эди? Ҳа, ўша заҳарланган пахта далалари ва уларда машаққатли меҳнат билан банд бўлган бечора заҳматкаш деҳқонларимиз. Биргина деҳқонларимиз эмас, эмизикли чақалогини шийпонда ухлатиб, чопиқа чиққан камқонли аёлларимиз, мактаби қулфланиб, илм олиш ўрнига яғна ёки ўтоққа чиқарилган ўқувчилар.

Ўзбекистонни «пахта макони» деб таърифлаб, нафақат Иттифок, бутун социалистик лагерни, балки кўпгина бошқа мамлакатларни ҳам қимматбаҳо хом ашё билан таъминлаб турса-да, ўзи чор-ночор, аянчли ҳаёт кечираётган халқни собиқ марказ «ўлганни устига тепган» қабилида ҳўрлаб «пахта иши»ни тикиштирди. Пахта экилмаган фақат уйлари-нинг томлари қолган деҳқонларимиз таҳқирланди, бутун халқни, миллатни ёмонотлиққа чиқаришга астойдил уриниб кўрилди...

Бирор хорижликдан ўша вақтда харитадаги Ўзбекистонни кўрсатиб берасаним, деб сўрасангиз ихобий жавоб олишингиз амри маҳол эди. Фақат қўнча тарих билимдонлари ёки ашаддий сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларимизни билишарди.

Шу сабабдан мустақиллигимизнинг дастлабки пайтларида Россиядаги айрим сиёсатдонлар «катта оға»ларча фикр юриштишдан воз кечолмай, гўёки, дастлабки истиқлол ҳуррамлиги ўтиб кетади, ҳаётинг мураккаб чиғириклари ана ўзини улар қўчоғига отишга мажбур қилади» деган хом ҳаёлларда юрардилар. Улар сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда қатъий тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилишни ўзларига эп кўрмадилар. Бирок ҳаётнинг ҳақиқатан ҳам жуда ачиқ ҳақиқати тезда уларнинг кўзини очиб қўйди. Ўзбекистон мустақиллик йўлини қатъий ва узил-кесил танлагани, ҳеч ким ва ҳеч қандай куч уни бу йўлдан қайтара олмаслиги аён бўлиб қолди.

Давлат мустақиллигига эришганимизга етти йил тўлар-тўлмас дунёдаги деярли ҳамма мамлакат — 170га яқин давлат Ўзбекистонни тан олганлиги, республикамиз 120 дан орт-қик мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатгани асрларга татигули оламшумул воқеа эмасми?

Бугунги кунда мустақил давлат фуқароси паспорт билан юртдошларимиз бевосита ўз ватанларидан Машриқдан Мағрибгача етти дунёни кезиш учун йўл ололмоқдалар. Тошкентимизда ҳозирнинг ўзида 40га яқин давлат элчихонаси очилган. Республикаимизда 90га яқин давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, ўнлаб халқроқ, ҳукуматларроқ ва ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳар кун биз матбуот, телевидение ва радио орқали мамлакатимизга хорижий мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқлари, турли делегациялар расмий таъриф билан келганликларидан хабардор бўлиб турибмиз. Атиги етти йил аввал юртимизни умуман билмайдиган тараққий тоғпан, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва уларнинг вакиллари республикамизга келиб ўз ҳурматларини, тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш таклифларини билдиришлари Президентимиз таъкидлаганларидек, «уларнинг Ўзбекистонни, халқимизни, бизнинг салоҳиятимизни яна бир бор эътироф этганини, тан олганини билдиради».

Истиқлолга қадар биз Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда туртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи, мис захиралари бўйича 10-11 ўринда, уран захираси бўйича 7-8 ўринда туришини, умуман минерал хом ашё захираларимиз 3,3 триллион АҚШ доллари-дан ортиқроқ баҳолашганини эшитганимизми?

Республикамизнинг ёнгилик-энергетика ресурслари ҳам ноб. Қидириб топилган газ захиралари 2 триллион кубометрга яқин, кўмир — 2 миллиард тоннадан ортиқ. Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз эҳтиёжларимизни тўла таъминлабгина қолмасдан, бизга энергия манбаларини экспорт қилиш имконини ҳам беради.

Мустақил тузум даврида марказ бу табиий бойликларимиздан хохлаганича фойдаланарди. Биз жавоҳирларга тўла сандикдек заминимиздан, айтиллик, қанча олтин ёки қумуш, мис ёки нефть қазиб олишимизни билиш ўз ёқда турсин, бўзчи белбоққа ёлчимаиди, дегандек улар бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эдил. Ҳусусан, Газлидан Уралгача қувурлар тортилган бўлиб, «зангори олов» ўша Сибирь кенгликларига узатиб берилгани ҳолда бир неча қақирим наридаги кишлоқларимизда гўзапо ва таппи ёқиб

- 2 -

кун кечириларди. Истиқлол бизга табиий бойликларимиздан ўз халқимиз манфаатлари йўлида фойдаланишга шарт-шароит яратди. Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қароратлари» китобларида таъкидлаганларидек, «Ҳар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6-7 миллиард долларлик янги захиралар қўшилмоқда». Зеро, мамлакатимизда бугунги кунда энг муҳим стратегик манбалар деб ҳисобланаётган нефть ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истиқболли кон, қимматбаҳо металллар бўйича 40дан ортиқ, рангли нодир ва радиоактив металллар бўйича — 40, қончилик — қимм хом ашёси бўйича 150та кон қидириб топилган.

Давлатимиз раҳбарияти бу бебаҳо табиий

Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига

САЛОҲИЯТИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан буйн ўтган тарихан қисқа даврни асрларга тенг йўл, деб таърифлашни кўпинча муболағига йўйишди. Аммо истиқлолга ва хозирги кунимиз чўқур таҳлил этилса, ана шу қисқаслаш ҳақиқатан жуда ҳам узок эмаслигига икром бўласиз.

бойликлардан мамлакатимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш мақсадларига фойдаланяпти. Чет элларга нефть, газ конденсати эмас, балки тайёр ёнгилик ва мойлаш материаллари сотиш мақсадида жуда қисқа муддатларда Мингбулоқ нефть кони очилган Қоровул-бозорда Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Бугунги кунда Қаришда газни қайта ишлайдиган улкан мажмуа қурилиши бошлаб юборилган.

Американинг «Ньюмонт Майнинг Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Мурунто кони ағдармаларининг минераллашган уюмидан (оддий тил билан айтганда саноат чиқитидан) олтин ажратиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси 18 ойдаёқ ишга туширилди.

Бугунги кунда Япониянинг «Мицуи», Буюк Британиянинг Лоноро компаниялари билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг ҳамда Довғизов ва Омонтовойнинг олтинга бой конларини ўзлаштириш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу қўшма корхоналар мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида ўзларининг дастлабки маҳсулотларини бера бошлайди.

Ўзбекистон Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компанияси билан ҳамкорлиги натижасида Аска автомобиль заводини барпо этиди ва дунёдаги 28 автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди. Республикаимизнинг АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия каби давлатлар фирма ва компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқалари самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, енгил, радиоэлектроника саноатимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартириш ишлаб чиқаришга энг янги технологияларни жорий этиш, жаҳон бозориде рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишга қўмақлашмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамизга жалб этилган сармоа тахминан 8 миллиард АҚШ доллариға етиб қолди. Яъни ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида чет эл сармоясини ўзлаштирилмоқда.

Хорижий сармоалар энг аввало ишлаб чиқаришни тақомиллаштиришга, янги технология ва машина-ускуналар харид қилишга ишлатилаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг XI сессиясида «Инвестициялар келиши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни, ўз иқтисодий потенциаллигимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ», деб алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Мана, Россия иқтисодиёти вазирлиги маълумотларига кўра 1991-1997 йилларда бу мамлакатда 230 миллиард АҚШ доллари миқдо-

- 3 -

ридаги хорижий сармоалар нимага сарфланганлиги маълум эмас. Ҳолбуки, ҳали бу олинган кредитлар бўйича фойз тўлаш, сармоаларни қайтариш керак. Бу ҳозирги авлод аслида келгуси авлоднинг ризқини қиймоқда, деган гап.

Ўзбекистонда эса мустақиллик йилларида иқтисодимиз таянчлари ҳисобланган бирон-та йирик корхона ёки табиий бойликларимиз хорижликларга сотилмади. Бизнинг чет эллик шериклар билан ҳамкорлигимиз тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосига қурилади.

Масалан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши 500 миллион, фақат технологик жиҳозлари 262 миллион АҚШ долларига тушди. Бу лойиҳа қиймати улушнинг 40 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Яъни олинган фойданинг шунча қисми ҳам мамлакатимизга газнасига тушмоқда. Олинган кредит қоплангандан сўнг фойданинг 100 фоизи ўзимизда қолади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва «Ўзбек модели» номини олган тараққиётимизнинг ўз йўли-миз тўғри эканлигини энг олий ҳакам — вақт ва амалиёт кўрсатмоқда. Собиқ СССР парчаланиб кетгандан сўнг мустақил тузум даврида «хом ашё базасига айлантирилган Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти бўйича собиқ иттифокдош республикалардан ночорроқ аҳволда бўлганлигига қарамадан ҳўжалик юрти-нинг маъмурий-бўйруқбозлик усулидан бозор муносабатларига ўтишни уларга нисбатан анча муваффақиятли амалга оширмоқда. Нуфузли ва холис муассаса — Жаҳон банки маълумотларига қараганда Ўзбекистон МДХ давлатлари ўртасида аҳолининг табиий ўсиши юқори даражада — 2 фоиз миқдорида сақланиб қолган ягона республика бўлишига қарамай 1997 йилда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот 1050 АҚШ долларига тенг бўлди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларидан, балки тараққиёт даражаси нисбатан юқори Македониядан ҳам ўзиб кетган. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши 1990 йилга нисбатан 113 фоизни ташкил этди. МДХ давлатлари ўртасида республикамиздан бошқаларда бу кўрсаткич энг юқори бўлган Туркменистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 78 фоизни, Беларуссияда эса 71 фоизни ташкил этган ҳолос. Яъни уларда саноат ишлаб чиқариши тегишли равишда 22 ва 29 фоизга қамалган. Россия ва Украинадек давлатларда эса бу пасайиш 51-52 фоизга етган.

Саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон хорижга тайёр маҳсулот экспорт қиладиган давлатлар қаторидан ўрин олаётгани айниқса маркулдир. Чунонки, республикамиздан хорижий мамлакатларга автомобиллар экспорт қилиш — 7,4 баробарга, қиммий тоғлар — 6,8 маротабага, қийм-кечак 65 фоизга қўпайган. Нефть, нефть маҳсулотлари ва газ экспортининг ҳажми 4 баробарга қўпайди.


Ушбу битта рақам замирида нақадар катта ҳикмат ётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Яъни Ўзбекистон ёнгилик мустақиллигига эришибгина қолмай, энергия манбаларини ўзи экспорт қилляпти.

Яна бир муҳим рақам. Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш 38 фоизга қискарди. Ҳолбуки дон-дунни ва чорва моллари беҳисоб Беларуссияда гўштни импорт қилиш 160 фоизга, дон эса — 190 фоизга ортган.

Мустақил давлатимизда амалга оширилаётган ислохотлар номига ислохотлар учун эмас, энг аввало инсонлар ҳаётини яхшилаш, уларга муносиб турмуш кечирish шартларини яратишга қаратилганини яна бир бор эслатиш ўринлидир. 1996 йилга нисбатан 1997 йилда Ўзбекистонда аҳоли даромадлари икки бараварга ошди. Бу Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида энг юксак кўрсаткич ҳисобланади. Ўтган Инсон манфаатлари йилида давлат бюджетиде барча сарф-харажатларнинг салкам 40 фоизи — 122,7 миллиард сўм ижтимоий соҳага ишлатилди. Ойла йили дастурларини бажариш учун эса бундан ҳам кўпроқ маблағ сарфланган.

Мустақиллик йўлидан одимланаётган етти йил давомида жаҳон ҳамжамиятидан шубҳасиз энг муносиб ўрин оладиган Ўзбекистон буюқ давлатига пойдевор қўйилди. Иқтисодиётимиз бозор талаби асосида янгиланмоқда, шахар ва кишлоқларимиз мутлақо ўзгача қиёфа касб этмоқда. Энг муҳими эса халқимиз, унинг онги, дунёқараши мутлақо ўзгарди. У ўз мустақил давлатининг фуқароси, мулк эгаси, ҳур ва эркин инсон эканлигини тўла ҳис эта бошлади. Ўзлигини англаган халқ эса ҳар қандай буюқ ишларга қодирди!

Комил ЭШЧОНОВ,
тарих фанлари
доктори, профессор.



Пойтахтимиздаги «Рангли лок» ҳиссадорлик жамияти жамоаси юқори сифатли, импортнинг ўринини боса оладиган маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш борасида тинмай ишланмоқдалар. Улар тайёрлаган сифатли маҳсулотлар нафақат республикамизда, балки Россия, Қозғистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам ўз хариддорларини топишмоқда.

СУРАТЛАРДА: лок-бўёқ цехи бошлиғи Раиф Галимов ва Нигмат Ахроровлар иш юзасидан фикрлашмоқда; ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар.

Рустам Шарипов олган суратлар.



Миллий дастур

БАНДЛИК ХИЗМАТИ ЁРДАМИДА

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида гапириб бериш учун республикада ягона бўлган ногиронлар ҳўнар-техника билим юрти директори Барот Каримовга муурожаат қилдик.

— Бу икки ҳужжат билим юрти фаолиятига ҳам самарали таъсир кўрсатаётир. Бунда бизга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қолдида иш олиб бораётган Марказ бевосита ёрдам бермоқда. Мақсад билим юртини республика ҳўнар коллежига айлантириш, талабаларга замон талабига жавоб бера оладиган чўқур билим ва ҳўнар ўргатишдир. Бунинг учун биз айтиб ўтилган Марказ билан биргаликда янги ўқув дастурини ишлаб чиқмоқдамиз. Қилаётган яна бир ишимиз махсус янги ўқув қўлланмалари билан талабаларни таъминлашдан иборат. Бунда бизга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги катта ёрдам бермоқда. Биз талабаларга инглиз тили ва компьютерни ўргатишни ҳам йўлга қўймоқдамиз.

— Маълумки, бу ердаги талабалар ногирон ёшлардир. Улар келажакда жамиятга фойда келтиришлари учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Бизда 460 та ногирон болалар таҳсил олишади. Шундан 25 тасининг кўзи оғиз. Улар ҳам жамиятга фойда келтириши керак. Билим юртимизда 8 хил маъийий хизмат турлари бўйича ҳўнар ўргатилади. Булар радио, телевизор тузатиш, уй-ўзғор буюмларини таъмирлаш, соатсозлик, тикувчилик, тўқувчилик, компьютер ва ҳўнар-мандчиликдир. Мана шу ўрганган ҳўнарлари асосида улар бандлик йўналиши ёрдамида ишга қўйлашадилар. Бундан ташқари бу масалада жойлардаги ижтимоий бўлими ҳамда билим юрти масъулдирлар. Ўқув йилининг етти ойи давомида талабалар назарий билимларини эгаллаб, қолган икки ой мубоийида ўз вилоятларида амалий машғулотда бўладилар. Демак, ана шу вақтинг ўзидаёқ улар иш билан таъминланган ҳисобланадилар. Яна шунки кўшимча қилиб айтишим керакки, ишга қўйлашши учун билим юрти томонидан ҳар бир битирувчиға йўлланма берилади.

Ойгул ТУРПУНОВА сўхбатлашди.

Назорат инспекцияларига

АЙБДОРЛАРГА ЧОРА КЎРИЛДИ

Миробод туман назорат инспекцияси туман молия ва санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан биргаликда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик темир йўл компаниясига қарашли идоравий болалар боғчаларида Ўзбекистон Республикаси Президент-ти фармонлари ва уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинган ҳўкумат қарорларининг бажарилишини текшириб чиқдилар.

Текширилган 5 та болалар боғчасида анчагина камчиликлар аниқланди. 17-болалар боғчаси (мудира Г. Акрамова)нинг ҳўвли ва ўйин майдонлари қаровсиз ҳолатда бўлиб, ёзги мавсумга тайёргарлик қўрилмаган. Текширув чоғида 6 нафар ёрдамчи тарбиячи ўз ўрнида бўлмаган. Шунингдек, болаларга бериладиган гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари меъёридагидан кам миқдорда, шарбат, пишлоқ, балик маҳсулотлари эса умуман йўқ. Текширув кўни 22 нафар бола сабзисиз боғчага келмаган. Бундан ташқари бу болалар муассасасида хоналар қаровсиз аҳволда, ғўруҳларда санитария қоидаларига риоя қилинмаган.

19-болалар боғчаси (мудира Р. Семёнова)да ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Таъмирлаш ишлари билан борилётганлигига қарамай боғчага болалар қабул қилинмоқда. Шунингдек, боғча оғборида 316 сўмлик қамомад аниқланди. Яна текширув ўтказилган 21-, 23-, 59-болалар боғчаларида қатор камчилик ва қамомадлар маълум бўлди.

Текширув натижаларига кўра болалар боғчаларида аниқланган қамомадлар ҳўжалик мудирлари томонидан тўланган ва хатоликларга йўл қўйганлиги учун уларга ҳайфсан эълон қилиниб, муқофотдан маҳрум қилинган.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик темир йўл компаниясининг ўқув юртига бўлимида бўлим бошлиғи А. Урмонов бошчилигида текширув натижалари мушоама қилинди. Темир йўл компаниясининг буйруғига кўра айбдор шахсларга чоралар қўрилди. 4 нафар боғча мудирасига ҳайфсан эълон қилинди. 2 киши оғохлантирилди, 17-болалар боғчаси эса капитал таъмирлаш учун ёпиб қўйилди.

Шарифа ИЛЕСОВА.

Исроилнинг бугуни унинг ўтмиши билан қамбарчас боғлиқ. Ушбу чўқур тарихий алоқа яқудий халқининг нафақат қадимий буюқ мероси билан, балки мамлакат эллик йил давомида бошдан кечирган оғир давлар билан белгиланади.

Исроил тараққиёти тарихи — бу унинг ўзини намоён этиш учун чўқур ўйланган ва бениҳоя куч ва кашфиёт талаб этган тарихдир. Исроил ўз муваффақиятларини фахр билан талқин этади ва бошланган ислохотларини сўнгги 10 йилликларда тўғатиш имконини берадиган ўзгаришларга тайёргарлик кўрмоқда.

Пойтахтимиздаги «Дийдор» реклама-аҳборот фирмасининг кўргазмалар залида Исроил давлати элчихонаси ташаббуси билан мамлакат таъкил топган кўнинг 50 йиллигига бағишланган «Горизонти» («Уфқлар») деб номланувчи фотокургазма очилди.

Ушбу кўргазмага қўйилган суратлар, «Альбатрос» фото-

Кўргазмалар

ҲАВОДАН ОЛИНГАН КЎРИНИШЛАР

компаниясини ташкил қилган исроиллик икки ҳарбий - ҳаво флотининг собиқ ўқувчилари ҳамкорлиги натижасидир.

Сураткаш - пейзажчи Давид Гиль сўнгги йилларда ҳаводан суратга олишга ихтисослаш-

моқда. Унинг ишлари китоб ва журналларда эълон қилиниб, Исроилнинг ўзида ва чет элларда кўргазмаларга қўйилмоқда.

Мени Харамати «Робинсон» вертолётининг ўқувчиси, у

шериги билан шу вертолётдан суратга олади.



Бу ўқувчилар ҳаводан туриб суратга олишни бошлаганларидан буйн еттига китоб нашр этишди.

Ҳаводан олинган мафтункор

суратлар ҳозирги Исроилнинг ўзига хос қиёфасини яна бир бор намоён этади ва у билан танишиш йўлини очди. Бу кўргазмадаги ишлар мамлакатнинг ўзи каби турли-тумандир. Унда Қуддус шаҳрининг тош қиёфасидан то қўлнинг аjoyиб ҳаёти: бу ернинг ўтмишига назар ташлашга имкон берувчи археологик қазилмалардан тортиб то мамлакатнинг тижорат, саноат ва маданий жиҳатларини акс эттирувчи ҳо-

зири шаҳар манзарасига кўриш мумкин. Экспозиция томошабинни тарихий жойлар, табиий ландшафтлар ва Исроил ташкил топганининг 50 йиллиги ҳақида ҳўқюа қилувчи янги, инсонлар барпо этган манзаралар билан таништиради.

Гўзал ХОЛИҚОВА.
СУРАТЛАРДА: кўргазмалар лавҳалар.



Хабарингиз борми?

НУРЛИ ЙЎЛ

Табиатни муҳофаза қилишдаги қатъий меъёrlар технологиядаги капитал маблағларнинг ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли ҳам саноат корхоналарининг доимий равишда изланиш олиб боришига тўғри келяпти.

Бу изланишлар маълум маънода кўзда тутилган самараларни бермоқда. Экологик томондан ҳам талабларни қондиришга хизмат қилмоқда. Биринчидан, бу нисбатан тоза маҳсулот яратиш услубидирки, у дастлаб Америкада қўлланилиб, ҳозир дунёнинг кўп мамлакатларига ёйилмоқда, натижада ишлаб чиқаришга муносабат ўзгармоқда. Ушбу услуб аввало иқтисодий жиҳатдан самарали, сўнгра экологик муаммоларнинг ечимида муҳим аҳамиятга эга. Бунда мавжуд технологияни яхшилаш, ҳам ашёдан, энергиядан тежаб-тергаб фойдаланишга катта эътибор қаратилади. Бундай ишни амалиётда қўллаш Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ташаббуси билан шахримизда бошланди. Нисбатан тоза маҳсулот яратиш услуби лок-бўёқ заводида қўл-

ланилмоқда. Шу мақсадларда экологлар ўқиси бўлиб ўтди. Ишчи гуруҳлари тузилди. Лок-бўёқ заводидан махсус сарик темир окисли ранг ишлаб чиқариш цехи танлаб олинди. Барча тадбирлар белгиланди.

Аввал хабар берганимиздек ушбу услуб ўзини оқласа, шахримиз экологиясини янада тоза қилиш йўлидаги интилишларимизнинг ўзига хос йўли очилади. Энг муҳими, ушбу йўл ҳамма корхоналар учун осон, айна пайтда масъулиятли ҳам бўлади.

Таърибалар давом этмоқда. Нисбатан тоза маҳсулот ишлаб чиқариш услубида эришган натижалар ҳақида яна тўхталмиш.

Шукр ХИДОЯТОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик экспертиза бўлими бошлиғи.

Табиатда ўсимликлар олами ҳам борки, улар шахримизнинг кўрки ҳисобланади. Бугун ариқлар лабидаги, анҳорлар соҳи-лидаги, хиёбонлар, боғлардаги барқ уриб яшнаётган майсалар, турфа гиёҳларни кўриб, кўзимиз қувнаб, руҳимизга илиқлик югуради.

Мирзо Улугбек туманида «Ўсимликлар — бизнинг дўстимиз» мавзусида танлов ўтказилди. Бунда болалар ўзлари парваришлаган, ўстирган гуллар, яшил гиёҳларни намойиш этдилар. Танловда иштирок этган шахар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари болаларнинг билимлари, ўсимликлар оламига бўлган муҳаббатларини кўриб, мамнун бўлдилар. Танловда 50-мактаб ўқувчилари голиб деб топилди.

Лекин туман халқ таълими бўлими, «Табиат» фирмаси (директори Рита Халамова) қўмита илтимос этганига қарамай, танловда иштирок этмади. Табиатни асраш бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас. У инсоннинг бутун

умрлик иши. Айниқса болаларимизнинг ўзлари яшаб турган оламга ошно, жонкуяр бўлиб улғайишлари нихоятда муҳимдир. Келажаги буюк давлатимизнинг фарзандлари энг аввало шу юртимиз бағрини эркалаб ўсишлари, уни

деймиз. Бунга шубҳамиз йўқ. Соғлом табиатни эса ўзимиз яратамиз. Дунёда пул топиб, тирикчилик ўтказиш билан бир қаторда ортиқча пул талаб қилмайдиган, фақат ихлосу вақтимизга муҳтож меҳр ва мурувват, муҳаббат ва

Муносабат

ОҚИБАТ МЕВАСИ

қуришти эмас, яшнатишлари лозимдир. Бу ишлар Мирзо Улугбек туманида бўлиб ўтган танлов сингари тадбирлар мунтазам ўтказилиши керак.

Ҳа, табиатни севиш ҳақида кўп гапиримиз. Аслида ҳаммамиз табиатсевармиз. Ховли-жойимизни супуриб, сув сеипи ораслаб қўямиз. Лекин кўчалар-чи? У ерни ким супуради? Ариқларни ким тозалайди? Ким экилган ниҳолларни парваришлайди?

Аслида ёғ тушса ялағудек тоза хонадонларда ўсиб-улғайганимиз нима учундир бугун айнан мана шу хислатни унутиб қўймоқдамиз.

«Соғлом табиат — соғлом авлод»

садоқат каби фазилатлар бор. Уларни қалбимиз тубига яшириб қўйишимиздан нима наф бор, ахир! Шу меҳр-мурувватни бугун она табиатимиздан дариг тўтсак эртага нима бўлади?

Ота-боболаримиз умрида бир туп дарахт, бир туп гул эмаган, кафтдек ердан икки боғлам кўкат етиштирмаган кимсалардан қаттиқ ранжишган. Шахримизда кўкка бўй қўзиб турган чинорлар, қарағайлар ана шундай табиатсевар одамларнинг бизга қолдирган ёдгорлигидир. Биз шу неъматларни қўпайтиришимиз керак; меросни ҳадеб кесиб ташлавермай асрашимиз лозим.

Амир Темур хиёбонида бир чинорни

сийпалаб турган отахонни кўриб қолдим. Икки қария: бири дарахт, бири инсон.

— Нима қилаяпсиз? — деган саволимга отахон:

— Шу чинорни бобом экиб кетган эканлар. Ҳали ҳам турибди азамат. Ҳали олам келиб зиёрат қиламан.

Шунда эсимга тушиб қолиб:

— Чинорлар нега ёнади? — деб сўрадим.

— Оқибатсизликдан ёнади, болам, — деди отахон. — Бунақада кўп дарахтлардан ажралиб қоламиз.

Отахоннинг гапи ўйлатиб қўйди. Оқибатсизликдан нафақат дарахт, балки олам ёнади. Шахримизда бу йил ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги оқибатнинг бир қўриниши. Мирзо Улугбек туманида бўлиб ўтган «Ўсимликлар — бизнинг дўстимиз» танлови ҳам мана шу оқибат меваси. Хатто бир туп экилган ниҳол ҳам шу оқибатдан дегим келади. Лекин оқибатимиз мавсумий эмас, абадий бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.



№ 5 (77) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари жаҳонда, қолаверса мамлакатимизда ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида экологик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари ҳам атрофлича илмий асосда баён этилган.

Экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш узок ўтмишимиз билан боғлиқдир. Табиат захираларидан охи-рини ўйламай фойдаланиш, ўрмонларни қесиб ташлаш, ёқилга ва минерал хом ашёлардан эҳтиёжга қараб фойдаланмаслик, энг замонавий тозалаш ин-

Ўзбекистонда сув захираларининг тақчиллиги ва ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда. Аму ва Сирдарёдан келаётган 114 куб километр сув, яъни Орол денгиз ҳавзасининг барча сув захиралари халқ ҳўжалигида тўлатқис фойдаланилмоқда. Экология, гигиена ва санитария фаолияти ёмонлашмоқда. Айниқса, дарёларнинг қуйи оқимларида бу ҳол яққол намоёндыр.

Ўз-ўзидан қуйи дельталарда тупроқнинг шўрланиши кучайиб, ичимлик сувлари ифлосланмоқда.

Шўролар даврида пухта ўйланмай Марказий Осиёнинг бутун ҳудуди бўйлаб суғориш тизимини жадал суратда қуриш, қўллаб аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарига сув бериш Оролнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Орол денгизининг қуриб бориш хавфи миллий кулфат бўлиб, энг йирик дунёвий экологик фожадир.

Орол денгизининг сув сатхи 20 метр пасайиб, 2 та қолдиқ қўлга айланди, соҳиллари 60—80 километр чекиниб, 4 миллион гектар майдон қўри-ниб қолди. Натижада яна битта қум-шўрхок саҳрога эга бўлдиқ.

Оролнинг чекиниши муносабати билан экология мувозанат тубдан бузилиб, ҳар йили 90 кун давомида довул кўтарилиб, 75 миллион тонна чанг атмосферага кўтарилади. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр, эни 40 километрлик майдонга етади.

Хозирги кунда халқорол Орол ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Ихроия қўмита тузилиб, Оролни кутқариш халқорол фонди ташкил этилди. Бу Оролбўйи минтақаси муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, ҳар йили ҳаво бўшлиғига 4 миллион тонна захарли моддалар қўшилмоқда. Тожикистонда алюмин заводининг ишга туширилиши, заводнинг атмосфера ҳавосига қўп микдорда фторли водород газини чиқарилиши Сурхондарё вилоятининг Сариевск, Узун, Денов, Олтинсой туманларининг табиий муҳитини бузиб, оғир оқибатлар келиб чиқмоқда. Шу ҳудудда ипак куртидан, сабзавот ва мевалардан ҳосил олинмай қолди, чорва моллари нобуд бўлмоқда.

Юқоридан кўриб турибдики, экологик ҳавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ечимини топиш ҳозирги куннинг кечиктириб бўлмайдиган масалаларидан бири бўлмоғи лозим. Аввало табиатни муҳофаза қилишдаги муаммоларни бартаф қилиб бориш учун экологик тушуна ва дунёқарашни шакллантириб боришимиз лозим. Бунинг учун барча боғча ва мактабларда ёшларни экологик руҳда тарбиялаш, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида мутахассис кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли ўртасида экологик тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришимиз лозим. Телевидение, радио ва газета орқали кўрсатувлар, эшиттиришлар уюштириб, мунтазам мақолалар чоп этиб бериш мақсада мувофиқдир.

Эрмулин ЧУПОНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси экологик тарғибот бўлими мудири.

Акс садо

«ШАҲРИМИЗНИНГ ЯШИЛ БЕЛБОҒИ»

«Тошкент оқшом», 1998 йил 4 апрель



ИНСОН БУЛСАНГ — БОҒ ЯРАТ

Бўрибой АХМЕДОВ,
Халқорол Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, академики:

— Бу менинг сўзим эмас, аждодларимизнинг авлодлар олдига қўйган буюк вазифасидир. Шаҳарлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятини белгилловчи асосий нуқталар бўлган. Ҳунармандчилик, маданият, савдо-сотиқ шаҳарларда ривожланиш табиий бир ҳол эканлиги тарихдан маълум. Мана шунинг учун ҳам ота-боболаримиз қадимдан шаҳарлар ободончилигига, ободлигига катта эътибор берганлар.

Мақолада Самарқанднинг Амир Темур давридаги кўкаламзорлаштири-лишига мисоллар келтирилган. Чиндан ҳам Самарқанд атрофидаги боғ-лар нихоятда кўп бўлган. Уша замон тарихчиларининг гувоҳлиқ беришича Самарқанднинг муътадил тоза ҳавосини ўнлаб боғ-лардаги минглаб турфа дарахтлар ҳимоя қилган.

Тошкентимиз кейинги етти йил мобайнида шид-дат билан ҳам ҳудудий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан гуркираб ўс-моқда. Қад кўтарётган улғувор бинолар, раво кўчалар авлодларимизга меросимиздир. Лекин ав-лодларимизга қолдиражак

яна бир меросимиз бор: бу — шахримиз табиати.

Табиатни қандай бўлса, шундай сақлаш мушкул. Сабаби: энг биринчи инсон ерга қадам босган ондан бошлаб, табиат неъматларидан баҳраманд бўлиб келади. Ҳамма нарсаларни қарами кенг Аллоҳ одам учун яратган, деймиз. Лекин айна пайтда одам ҳам табиат учун яшамоғи жоиз эмасми? Бу яшамок қандай бўлади?

Амир Темур соҳибқироннинг доно ўғитларидан бор: «Бир гишт қўчирсам, ўн гишт қўйдим, бир туп дарахт кестирсам, ўн туп эктирдим». Бизда ҳам ҳар йили ниҳоллар экилади. Ободончилик ойларики ўтказилади. Лекин ниҳолларнинг парвариши-чи? Ўзим неча бор гувоҳ бўлганман: ўн туп ниҳолдан лоқал олти-таси кўкарса эди деб умид қилганман. Биз эккан ниҳоллар қўпична онаси қолдириб кетган болаларга ўх-шайди. Бир амаллаб тур-тиниби-суртиниби ўсади. Бундай йўл билан Тошкентдек шаҳри азиями кўка-ламзорлаштириб боғу бўс-тонга айлантириб бўлади-ми ахир!

Одамзот дунёга келган экан, у яхши юмуш, яхши одатни ихтиёр этса қони савобдир. «Ўзумини ёб, боғини суриштирма» дейдилар. Йўқ, биз бугун суриштиришимиз керак. Олманки, ўриғу нокни ёб, шохини синдирадса, суви ичсагу ариқни кўмсак виж-

донан иш бўлмайди. Инсон бўлиб келдикми — лоқал бир туп ниҳолни улғайтирайлик. Шахримизнинг яшил белбоғида бизнинг ҳам ҳиссамиз бўлсин, азиз ҳамшаҳар биродарлар!

Доимо «Аждодларнинг руҳи-поки қўлласин» деб ният қиламиз. Ният ижоб бўлиши учун биз ҳам ўзимиздан муносиб ёд-горлик қолдириб кетишимиз керак. Бу ёдгорлик обод шаҳарларимиз бўлсин, кўркам боғларимиз бўлсин, зилол, шаркироқ сувларимиз бўлсин!

ҲАЛҚА ЙўЛДАН БИР УТИНГ

Анвар ҲОЖИХОНОВ,
меҳнат фахрийси:

— Тошкент Ҳалқа йўли-дан кўп бор ўтган бўлсан-гиз керак. Гоҳ эич, гоҳ як-кам-дуккам дарахтларга қараб кўп бор ўйга тол-ганман. Барака толқур, Истироҳат кўчасидан бош-лаб то Ибн Сино даҳаси-гача бўлган уйларида яш-овчиларга раҳмат дейман. Айтган жойим, янги сомон бозорининг рўпарасидаги боғчалар, шунчалар қуюк-ки унинг томини зўрга илғайсиз. Ҳамма дарахт-дан бор. Шовқинни тўса-димми шу дарахтлар? Тў-сади. Мева берадими? Беради. Соя-салқинида толиққан асаблар роҳат-ланадими? Роҳатланади. Шундай экан, нега бутун Ҳалқа йўл бўйлаб шундай манзара яратмаймиз? Ахир уйдан, эшигини тагидан мевалари аримаган хонадан соҳибларининг болаларимизку?

Бундан бир неча йил олдин шаҳар ичига мевали дарахт экилмасин дейишди. Сабаби чанг, захарли моддалар ўтириб ёйишга яроқсиз холга келар экан. Ахир шаҳардан ташқарида ҳам чанг бор-ку! Мевали дарахтларда ҳеч бўлмаса паррандалар учун ризқ яратиладику! Эътибор берган бўлсангиз шаҳарда қушлар сайроғи-ни камдан-кам эшитасиз. Бунинг, сабаби нимада?

Демокриманки, аргам-чиға қил қувват бўлади. Шахримиз атрофида яшил белбоғ яратар эканмиз, маҳалларда, кўп қават-ли уйлар ўртасида мевали ниҳолларни сероб этайлик. Ризқ-рўз яратиш, юртни обод этиш сизу қўлга, меҳнаткаш олтин бўлгаримизга, энг муҳими, ҳафсала, гайратимизга боғлиқ.

Тоҳир ЙўЛЧИЕВ
ёзиб олди.

Назм

ЎУЛЛАР

Кўёшли юрт қизиман шодон,
Гўзалликка дилдан ошманан.
Гуллар ичра юрсамки, ҳар он.
Хушбўйига мудом ташнаман.

Атиргуллар, чинни бетакрор,
Лола, рағно — жўшади ишқим.
Гулбарглари бирам бетубор,
Боқаману тошади ишқим.

Ўхшатишар қизларни гулга,
Юрагимда ҳавас яшнайди.
Гулдек қизлар яқиндек дилга,
Қизлар гулдек ёниб яшайди.

Гулга бўлган ишқим тўфайли
Атасинлар гулга ўхшар деб,
Бир гулчалик умримда майли
Ҳаётга розийдим бера олсам зеб.

Муяссар САИДАЛИЕВА,
Тошкент Давлат иқтисодий
университети катта ўқитувчиси.

ҚАЛДИРҒОЧ

Табиатнинг илк баҳорида,
Кўёш нури сим-сим торида,
Қалдиғрғочлар тизилиб қатор,
Ишқ оятин ўқирди тақрор.
Бири ҳали тугатмай гуфтор,
Иккинчиси бошларди алёр.
Базми жамшид - айтиб тарона,
Яратганга ҳамду шукрона,
Нозик-ниҳол келинчақ мисол,
Чугурлашар тўлғона, хушҳол.
Бири дерди: «Ажиб, табиат —
Улашибди насига-қисмат:
Икки юз йил яшар қаркас қуш,
Ўлакка еб айлар дилин хуш.
Бир дамгина яшар қалдиғрғоч,
Қадридир оддий тош-ёғоч.
Умри қисқа қақмоқ сингари —
Теграсида ҳаёф-хатар бари...»
Қуш тилини билганми боис,
Лоқай ўтиб кетмадим ҳаргиз.
Тўхтатдим мен уни шу онда,
Сўзлай кетдим ўшал лисонда.
Дедим: «Қўйма, завоқбахи парранда,
Дунёда бор яхши-ю ганди.
Барчасига эмас бир мезон,
Масканлар бор тилларда достон.
Унда яшар жонпарвар улуз,
Барча толгай қўямату нуфўз.
Лоқуварддир тилиқ осмонни,
Доим очик ўйи, айвони.
Нақшини иштиф сenga мунтазир,
Топ тортмасдан ўз уйиңдек кир.
Шифт остига сол сомонли уй,
Хосияти, тилиқ, омонли уй.
Бунда яшаб топмассан завоқ,
Аллоҳларинг янажак хушҳол.
Йиллар билан ўлчанмас умр,
Тундан афзал бир нафасли нур.
Оз умрингга ачинма, э жон,
Оз яша, лек кетгин беармон.
Сўзларини тинглаб қалдиғрғоч,
Дедим: «Рост гап, бахш этдинг қўнғи.
Учиб келдик уммонлар оша,
Баланд тоқлар, доволлар оша.
Йўллар юнгиқ, қўпир, ҳаёф-хатар,
Ҳар манзилда дахшат маҳв этар.
Бало домли ҳар қадамингда,
Ҳеч ким қўймас сенинг тамингда.
Бунда эса муродлар ҳосил,
Нитилганга бахт бўлар восил.
Шафиқ диллар, дилафрўз лисон,
Бўлғай бунда ҳар жонзот қомрон.
Бунда тўнлар, ўқлар отилмас,
Бунда миллат бахти сотилмас.
Бу ўлкада амну осийиш,
Шундан бу эл топар оройиш.
Тасбеҳ донасидек тизилган,
Эй қавм, дуо айлангиз дилдан.
Бу эл бўласин тобад омон,
То туреунча замини осмон.
Қавмимиздек беозор қушлар,
Бунда кўрсин фаррўх турмушлар.
Тўрт томондан келсин меҳмонлар,
Бунда яшар хушбахт инсонлар.
Бу эл Ўзбекистон аталар,
Кўёш каби абадий қолар.
Қалдиғрғочлар келсин беҳисоб,
Дуолари бўласин мустажоб.

Забихилло НУРУЛЛО.

Яна бир ўқув йили ҳам ниятсизга етай деб қолди. Ҳар йили шундай пайтлар билим масканларида «Сўнгги кўнгирик тараддуди бўлиши одатий ҳолдир. Лекин ҳар йил ҳам бу байрам ўзгача руҳ, ўзгача шухуқ бахш этади. Айниқса, кўзларида ҳайрат ва қувонч ила илк ўқув йилини тамомлаётган етти ёшли болалар учун ўзгачадир... Бу байрам уларни ким... Уларнинг биринчи ўқитувчиларига ҳаммадан чиройли, ҳаммаликдан каттароқ гулларни тақдим этиш билан уларга бўлган меҳрларини ифода этишга ошиқадилар....

Шундай дейману ўзимни ҳам мактабга илк қадам қўйган онлариму биринчи синфда ўқиган йилларим ёдимга тушади ва бу тотли хотиралар ичра сизнинг меҳрибон сиймоингиз намоен бўлади, устоз...

Биринчи синфларни ўқитишни бошлаганингизда минг айлаиб, минг ўргилиб ҳар биримизни эркалаганингиз, ўша дамда бошқа бир оламга тушиб қолгандек туюлган биз жажжилар учун анча далда бўлганини билсангиз эди, устоз! Айниқса менинг кўнгирик сочларимдан силаб, ширин сўзлар айтиб, аввал ўзингиз ўқитган опаларим ҳақидаги илиқ гапларингизни эшитиб, синфдошларим олдида кўнглим осмон қадар кўтарилганини унутиб бўладимиз, устоз...

Лекин бу сўраб-суриштирилариңиз фақат бир кунлик эмас эди. Ҳар бир ўқувчин-

гиздан якшанбадан кейин икки оғиз бўлса ҳам ота-онаси, ака-опалари ҳақида суриштирилариңизни эслаб, тўлқинланиб кетаман. Одамга эътибор нақадар улғу фазилат экан-а. Кўз ўнгимизда сиз ўз-ўзидан ўқитув-

СўНГИ КўНГИРІҚ

ҚАЛБИМДА ПОРЛАБ ҚОЛДИНГИЗ

чигина эмас, ўқувчилариңиз оиласининг фахрий аъзосига айланиб қолганингиздан ҳайратда қоламан, устоз...

Ҳар биримизни таваллуд кунларимиздан бохабар бўлиб, кўнглимизни овлаб қилган кўтловларингиз бизни меҳру оқибатли бўлишга ундовчи соддагина чорлов эканини энди англаяман.

Ёзиб-чикиб салгина толиққанимизни сезиб, партага бошимизни қўйиб, «ухлатганингизда» сўзлаб берган эртақларингиз сеҳри юрагимга сингиб кетгандек. Гоҳо мутолаадан чарчаган пайтларимда сиз ўргандек бошимни столга қўяман-у, кўзимни юзмаман... Шунда олис болаликдан ширинсўхандлик ила

сўзлаган чўпчакларингиз садоси келгандек бўлади, устоз...

Атоқли ўзбек педагоги Қориниёзининг шундай сўзлари сиз учун айтилгандек, назаримда: «Ўқитувчи ўзининг маънавий қиёфаси, ички дунёси, маданияти, эътибори билан ўз муҳитида намуна бўлиши керак». Сизни таниган, сийлаганлар «Жуда бамаъни, ширинсухан, куюнчак аёл эди», дея хотирлайдилар.

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 141-мактабни битириш арафасида бир неча йиллар аввал хайрлашув — сўнгги кўнгирик оқшомида хотирангизга бағишлаб, ўзим битиб, ўқиган шеъримни шу қўтлуғ кунлар остонасида яна бир бор такорлагим келди, устоз.

**Кечагидек эсимда ҳамон
Меҳр тўла у порлоқ кўзлар.
Кулоғимда жаранлар ҳамон
Мағноларга бой, гўзал сўзлар.**

**Етиштириб ёш онгимизни
Меҳр билан бердингиз таълим.
Фахр билан эслагум сизга
Энг биринчи устоз, муаллим.**

**Бўлса ақл чироғи билим
Шу чироқни ёқа олдингиз
Онгимизга сингдириб қолингиз
Қалбингизда порлаб қолдингиз...**
Саида ЗОКИРОВА



Хорижда

ГРИППДАН САКЛОВЧИ ДОРИ

Қуддус университети лабораторияларида ҳозиргача мавжуд бўлган воситалардан анча самарали бўлган янги профилактика воситаси яратилди.

Ҳозирги пайтда дорини ҳайвонларда синаш тугалланмоқда, бу синовлар даврида анча жиддий натижаларга эришилди. Яқинда у беморларда ҳам синаб қўрилади.

Олимлар, Қуддус университети профессорлари Эли Кидар, Йеҳезкиэль Бернхольц ва Закария Закаи-Ронес, шунингдек уларнинг талабалари Илан Бабаи ва Сарит Самираларнинг изох беришлари, янги дорининг асосини липозом — қонда бўлган майда ёғ пуфакчаларининг таъсири ташкил этади, уларга лимфада ҳосил бўладиган оқсиллар юборилади. Натижада организмнинг иммунитет тизими рағбатлантирилади.

Липозомлар ўзига хос оксил хизмат қилади, у иммунитет тизимига «етказилади», бунинг натижасида зарур дори узоқ вақт давомида аста-секин организмда ўзлашади. Бунинг натижасида организмнинг иммунитет таъсири икки-уч ҳафта олдин рўй беради, қонда ҳосил бўладиган ва вирусга қарши курашадиган антихисмлар даражаси минг баравар ошади.

Айни пайтда шуни айтиш керакки, ҳозиргача қўлланиб келинган гриппдан сакловчи профилактика воситаси эски вирус ёки унинг қобилиятидаги оксилнинг таъсирига асосланган. Бундай воситалар жуда кўп камчиликларга эга бўлиб, жуда самарасиздир. Қуддуслик олимларнинг фикрича, янги дори бундай барча муаммоларни ҳал эта олади.

ТИББИЁТ УСУЛЛАРИ ЎРГАТИЛАДИ

«ТНН» компанияси ва «Тель Хай» коллежи Рабин номли Тиббиёт маркази ва «Дьюк» университети тиббиёт мактаби (Шимолӣ Каролина штати, АҚШ) билан биргаликда Исроилда биринчи марта тиббий ходимларни сиртки тиббиёт усулларига ўргатиш бўйича курс ташкил этишмоқда. «ТНН» компанияси тиббиётда видеодан фойдаланишга ихтисослашган «VTEL» фирмасини ифода қилади. Курснинг мақсади сиртки тиббиёт соҳасидаги иш асосларини ўргатиш ва Исроилда шундай усулдан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир.

БОЛАЛАР УЧУН «ШНАЙДЕР» МАРКАЗИ

Исроилдаги «Шнайдер» педиатрия тиббиёт маркази бу болаларни даволашнинг ноёб усулларидир. Марказда дини, ирки ёки миллиятдан қатъи назар Исроил ва умуман Яқин Шарқдаги барча болалар даволашилари мумкин. «Шнайдер» тиббиёт маркази мамлакат марказида истикомат қилаётган болаларни шифохонага ётқизиш бўйича барча зарур хизматларни қўрсатади, шунингдек алоҳида мураккаб ҳолларда тиббий ёрдам қўрсатади. «Шнайдер» шунингдек, органлар ва илҳини қўриши, гематология ва онкология, қанди диабетни даволаш, кардиология, иммунология, болалар хирургияси ва ҳоказолар соҳасида миллий марказ ҳисобланади. Бу ерда махсус болалар палаталари, ўйин хоналари ва ўқув синфлари бунёд этилган.

Исроилнинг «Шнайдер» педиатрия тиббиёт маркази «Клатит» касалхона касаси доирасида иш қўради. Бу замонавий ва тақомиллашган касалхонага эмас, шу билан бирга педиатрия соҳасидаги кўп тармоқли тадқиқот маркази ҳамдир.

АКА-УКА ЖИНОЯТЧИЛАР

Кучли газ хидини сезган С. Захаров охиқиб ошхона газ плитаси қувурларини синчиклаб қараб чиқди, ҳаммаси бийонидек. Кейин у юқори қаватдаги қўшини А. Тимошенкога учрашди.

— Бизникида газ хиди йўқ, — деди Тимошенко ва икковлашиб икки қават қуйида яшовчи В. Свистунов хонадонни кўнгиригини босишди. Ҳеч ким жавоб беравермагач, эшикни салгина тўртганди, эшик очилиб, хонага тўлган газ хидидан нафасларини котиб ичкарига киришди.

Икки қўшни не кўз билан қўришсинки, В. Свистуновнинг боши газ духоваси ичига, оёқ-қўйлар арқон билан боғланган ҳолда беҳуш ётарди. Олови ўйирилмаган газ тўла очиб қолдирилганди. Стол устида иккита стакан ва винодан бўшаган шишалар, овқат қолдиқлари сочилиб ётарди. Қўшнлар худлик билан газни ёпиб, беҳуш қўшинини духовасидан четга олишди-да, оғзидagi латтани олиб, оёқ-қўйларини арқондан бўшатти.

Сўнгра барча эшик-деразаларни очиб юборишди. Хонага бир зумдаёқ тоза ва салқин ҳаво кирди.

Дастлабки тез ёрдамни ўзлари қўрсатишган, В. Свистунов қўзини очиб, аста-секин ўзига кела бошлади. У қўшнларнинг саволига «Ака-ука Андрей ва Денис» дея олди холос. Икки қўшни 4-қаватда яшовчи Андрей Лебедевни этаклаб тушиб, жабрдийдаг рупара қилишди.

— Ҳа, шу ва укаси эди, — деди Свистунов. Қўшнларнинг бири «Тез ёрдам», иккинчиси милиция чақириб билан овора бўлган пайтда Андрей қочиб чиқиб укасини оғохлантирди-да, В. Свистунов хонадонидан ўмарган озиқ-овқат ва кийим-кечакларни орқалаб, бошқа даҳада яшовчи поччасининг уйига ошиқдилар. Аммо, милиция ходимлари томонидан йўлдаёқ далилчи ашёлар билан қўлга тушди.

Боқса эса қуйидагича бўлган: турли-туман жиноятлар учун бир неча мартаба қамалиб чиққан 26 ёшли Андрей ҳеч қаерда ишламасди. Акадан ибрат олган укаси Денис 18 ёшдаёқ безорилиги учун 1994 йилда суд ҳукми билан 3 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилган, аммо амнистия муносабати билан афв этилганди.

Бу ака-уканинг ҳаётида тўғри йўлга тушиб кетишлари учун бош-қош бўладиган ота-она бўлмагач, ҳар қайси ўз билганича яшагача ўрганган, аммо бирон жойда фойдали меҳнат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Аммо кунларнинг бирини Андрей бир ишчи виносини билан В. Свистунов хонадонига келди.

— Ҳа, кел, сенмасан, — деди нафақахўр В. Свистунов, — қани кир.

Иккови винони ичиб бўлгач, хонадон эгаси: «Андрей, агар малол келмаса пастки қаватдаги фалон кишига учрашсанг. Ўшга пул бериб қўйгандим. Пулни олиб, вино олиб келсанг», деди.

Андрей бу тақлифни бир зумдаёқ бажо қилиб келди. Ичкилик давом этди. Бирок, гапдан-гап чиқиб асаблар тараңлашди ва чол газабини яширолмади сўкиб юборди. Андрей эса чолнинг тумшугига бир-икки мушт уриб ийкинчади. Сўнгра туриб, чиқиб кетди. Уйига кирса укаси Денис келган экан. У укасига қўшни чолни «нокаут» қилганини айтиб, унинг уйини «тозалаш» чиқинчи тақлиф қилди. ука қўниб, бирга киришганида В. Свистунов полда ётарди. Чақирилмаган «меҳмонлар» иччилмай қолган винони қўйиб ичишди. Сўнгра — хоналарни ағдар-тўнтар қилиб, уларнинг бири кўк рангли плаш, спорт кийими, дамол, ўт ёқичи, 3 донга ҳўхлик совуни олиб сулкасига жойлади. Иккинчи босқинчи эса 18 килограмм гўшт, 6 донга тухум, 20 килограмм картошкани хонадон қопига солиб, олиб кетишмоқчиди. В. Свистунов ўзига келиб, босқинчиларни ўхшатиб сўқди.

— Ҳа, сенга ҳалиям ақл кирмабди-да, деди Андрей ва яхшилаб тепкилади. Кейин ака-ука оёқ-қўйини, оғзини арқон билан боғлаб, бири оёғидан, иккинчиси елкасидан кўтариб бошини газ плитаси духовасига тикишди-да, газни очиб кетишди. Жабрдийда бахтига қўшнларни бор экани, тирик қолганди.

Тошкент шаҳар судининг судьяси Шавкат Абдусаматов раислигида суд ҳайати ҳукми билан киши ҳаётига тажовуз қилган ёвуз жиноятчилар Андрей Лебедев эса 15 йилга озодликдан маҳрум этилди, уларнинг мол-мулки мусодара қилинди.

Холмамат МҲЙДИНОВ.

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати 1998-1999 ўқув йилига мусиқа ва тасвирий санъатта қобилияти бор, 7 ёшга тўлган ўғил ва қизларни ўқинишга қабул қилади.

Қолган синфларга бўш ўринларга мутахассислиги бўйича тайёргарлиги, қобилияти бор бўлган ўқувчилар имтиҳон билан қабул қилинади.

Аризалар 1998 йил 31 майгача қабул қилинади.

Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Манзил: 700152, Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, 22-мавзе, 1-А уй. Автобуслар: 2, 33, 41, 77, 78, 87. Троллейбуслар: 12, 13. «Москва остонаси» бекати. Телефонлар: 74-92-21, 74-96-44.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан **1998 йилнинг 25 майидан 1 июнигача** Буюк Турон кўчасидаги 73-уйда истикомат қилувчи 56-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайд.

Очиқ турдаги «Toshkent shahar telefon tarmoqi» хиссадорлик жамияти.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъинларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан кўтловларни, никоҳ эълонлари ва шўнга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шўнга ва яшашдан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

- 1 -

Қадим замонда, кўм-кўк адир томонда бир Кўчқор яшар экан. Совлиғой ва қўзилари билан кичкина бошпана, кенг яйловга эга эканлар. Улар яйловни кўз қорачигидек сақлашар, покиза кун кечирешар, баданларига гард юқтирмасликка ҳаракат қиларканлар. Ҳар тонг саховатли қуёш нурларидан, бўлоқ сувлари, майса ва гулларнинг муаттар бўйларидан, қушларнинг хонишларидан завқ олиб, шундай ватанлари борлигидан фахрланишар эканлар.

Кунлардан бир кун ола-була баданларига тиканаклар ёпишган тўнғиз келибди ва ҳур-ҳур қилиб кўз ёш тўкибди:

— Эй, жаннатдан чиққан жонивор! Яхшилигинг оламга ёйилган. Меҳрибонлигинг, сажийлигинг биздан ҳам дариг тутма. Яшин тушиб, маконимиз вайронага айланди. Ёйишга овқатимиз, ётарга бошпанамиз йўқ. Эндигина ёруғ дунё юзини кўрган болачаларимиз бирин-кетин қаҳатчиликдан нобуд бўлмоқдалар. Бизга раҳм қил, эй улғу зот, яйловингнинг бир чеккасидан кичик бир гўша бер, — деб ёлворибди.

Кўнгиликдан Кўчқор хўрлиги келиб:

— Оғир кунда бир-бирига ёрдам қўлини чўзмаслик гуноҳи азимдур. Майли, бирга яшайқол, — деб жўй қўрсатибди.

Тўнғиз етти нафар боласи билан келиб яшай бошлабди. Кўчқор уларга қўмақлашибди. «Мусофирни худо сийлайди» макорлига амал қилиб, борини улар билан баҳам қўрибди. Тўнғиз Кўчқорнинг ишончини қозониш учун яйлов атрофидаги йиртқич ҳайвонлар билан кураша бошлабди.

Йиллар ўтаверибди, тўнғизининг оиласи яна кенгайибди, се-

- 2 -

кин-аста болалари ҳам алоҳида қулбаларга жойлашиб, яйловнинг ярмини эгаллашибди.

Кўчқор барчасига рози экану аммо уларнинг хулқ-атворидан кўнгли гаш экан. Чунки булоқ атрофи лойқа ховузга айланган, инларнинг ифлослиги туфайли яйлов турли зараркундаларга қон бўлиб қолган экан. Меваали даракларнинг шохлари синиб, олма, ёнғоқлар ер билан битта бўлиб ётаркан. Айниқса, тўнғиз-

Нихол

ЁМОН ҚЎШНИ

(Эртак)

чалар қутуриб, гоҳида ота-оналарига ҳам ташланиб улар билан тишлашарканлар. Қўзилар кўрқиб, улар бор жойда ўзларини четга олар, бесабаб жанжаллардан юракларини олдириб, ҳўрқовчи бўлиб қолган экан.

Бу воқеалардан ниҳоятда ранжиган Кўчқор жаҳлини ичига ютиб, «Яхши сўзга илон инидан чиқади» қабилда ҳамсоясини тартибга чакирмоқчи бўлибди.

Кўчқор тўнғизнинг олдида борганида у балчиқда ором олиб ётар экан ва қўшинининг мурожаатидан сўнггина ярим ёнбошлаб:

— Хўш, нима дейсан? — деб хириллаб қўйибди.

Шунда беозор Кўчқор:

— Эй ҳўра, «Ён қўшни—жон қўшни» дейдилар. «Дўстнинг аччиқ сўзи даводур» деган нақллар ҳам бор. Ўзингизнинг хабарингиз бор, бу маконимиз гул макон, гўзал экинзор, дарактзорлардан иборат эди. Афсуски,

- 3 -

гулхона, дарактзор — тўнказорга, экинзор — чўлга айланиб бормоқда. «Бир ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» деган сўзлар бор. Келинг, меҳнатни бирга қилайлик, табиатни аввалги ҳолига қайтарайлик, — дебди. Бунга жавобан Тўнғиз:

— Меҳнат қилиш сенинг пешонангга ёзилган. Хоҳлаганингча болаларинг билан пешона терингни тўкавер. Бу сенга фойда. Бизнинг авлод иш билан эмас, куч билан ҳўқмон, меҳнат-пеҳнатга тоби йўқ, — деб балчиққа бор гавдаси билан ётиб олибди.

Кўчқор юраги зил кетса ҳам «Сабр таги сариқ олтин» деган боболарининг ҳикматиини эслаб янада мулоимлик билан:

— Тўнғизжон, ахир бу макон фақат менга эмас сенга ҳам ватан бўлиб қолди. Кел, унинг ободонлиги, фаровонлигини ўйлайлик, бу эса келгуси авлодларимизни ҳам насибали, ризқли қилади, — дебди.

— Э, бунақа дабдабали сўзларингни кўй. Бизга қаер яхши бўлса, мўл-кўнчилик бўлса, ўша ер ватан. Агар бу ер дидингга ёқмай қолган бўлса, сен бошқа маконни излай қол, эрта-индин бошқа авлодларимиз қўчиб келади.

Тўнғиз секин болаларига кўзини қисибди. Улар Кўчқорнинг юнгларида тортқилаб, оёқларидан тишлаб, калака қилибдилар.

Ҳар кунги мижозларидан асаби таранглашиб қолган Кўчқор касалга чалиниб қолди ва болалари ёрдамида тоғу тошларга бош олиб кетишга мажбур бўлибди.

Қиссадан ҳисса:
**Ватан заминига қадам қўйса ёт,
Ораминг йўқлар дор бўлар ҳайт.
Қадри бил Ватанини, мисоли Она
Онадек у улғу, таңқо, эгона,
Шўқур ДАДАШ.**

Турфа олам

ГУРУЧ ДОНАЛАРИДАН СУРАТ

Калкхутталик 21 ёшли мусаввир Санжай Дас гуруч доналаридан миниатюра чизиш устаси бўлиб кетган. У икки соат мобайнида қисқич ва махсус мўйлақ ёрдамида инсон портретини, ярим соатда эса манзара чиза олади. Яқинда у 550 харфдан иборат бўлган бахарни назиклик билан жойлаштира олди. Санжай тасвирий санъатда гуруч доналарини ишлатиш билан тур йилдан буюн шўғулланади. Унинг тан олиб айтишича, фақат сўнгги йилдагина бу ишни профессионалларга хос тарзда баҳара бошлаган. С. Даснинг бундай санъаткорона ишлари сизни ҳайратда қолдириши табиий. Аммо бу соҳада унга биринчилик насиб этмаган. Гангара Сунни исми мусаввир 1987 йилда 428 сўздан иборат бўлган мактубни машҳур рекордлар китоби Гиннес тўзучилигига йўллаган эди.

УЧ ЁШЛИ БИЛИМДОН

Ҳиндистон пойтахтида истикомат қилувчи Турганиа Саварналикхия исми уи ёшли қизалоқ ён атрофдагиларни ўзининг ноёб қобилияти билан лол қолдириди. Бу ёшда кўнчилик болақайлар ҳаттоки ўз ота-оналарининг исмини ҳам тўғри айтолмаётган бир пайтда у 200 давлатнинг пойтахтини санаб бера олади. Бундан ташқари у айтилиши қийин бўлган Боханессбургер, Далас-Салом каби сўзларни ҳам бемалол талаффуз этади. Қизча буларни бор-йўғи уч ҳафта давомида ёдлашга улғурди. «Хинду» газетасининг хабар беришича, Саварналикхия фақат қийин сўзлар билан чекланиб қолмасдан, шахматга ҳам қизиқмоқда. У ҳинд томил тилида бемалол сўзбатлашади ва инглиз тилини яхшигина тўшунади.

Қизнинг отаси оддий муҳандис, онаси эса уй боқар. Улар ўз фарзандларининг номини машҳур рекордлар китоби Гиннесда қўриш орзу қилишлар.

Маъмура РҲЗИЕВА тайерлади.